2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 38 (560), 2022 йил 22 февраль, сешанба

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news

## МУҲИМ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни Тошкент шаҳрида кўп квартирали уй-жой фондини бошқаришни такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда геология соҳаси ва кимё саноатидаги инвестиция лойиҳалари билан танишди.**

Коммунал хизматлар миллионлаб аҳоли турмушига дахлдор масала. Илгари кўп қаватли уйларга хизматни фақат мулкдорлар ширкати кўрсатар, техника ва мутахассислар етишмаслиги сабабли унинг сифати паст эди. Бугунги кунда эса бошқа бошқариш шакллари ҳам жорий қилинган.

2020 йилда тажриба тариқасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 110 та кўп қаватли уй қонунчиликда белгиланган тартибда бошқарув компанияларига берилган эди. Бу тажриба 2021 йилда барча вилоят марказлари, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида давом эттирилиб, 15 та бошқарув компанияси томонидан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Масалан, Навоий шаҳридаги 116 та кўп қаватли уйга битта бошқарув компанияси томонидан хизмат кўрсатилган бўлиб, муддати ўтган қарздорлик 2 баравар қисқарган. Бу компания 34 турдаги махсус техника олиб, аҳоли ва тадбиркорларга 20 дан ортиқ янги хизматларни йўлга қўйган.

Давлатимиз раҳбари бу тизимни кенгайтиришни рағбатлантириш кераклигини, йил якунигача бошқарув компаниялари томонидан хизмат кўрсатишни Тошкент шаҳрининг барча хизмат сифати паст туманларида жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Хизматларидан аҳоли рози бўлган ширкатлар ва уй-жойни бевосита бошқарувчилар бундан мустасно эканига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бу ишларни тизимли ташкил этишимиз лозим. Ахир бу одамларимизнинг кундалик муаммолари, уларни ҳал этмасак, халқимиз биздан рози бўлмайди, — деди Президент.

Бунинг учун махсус ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти, аҳоли фикрларини ўрганади, ширкатлар ва бошқарув компанияларининг молиявий муаммоларини ҳал этиб боради.

Фаолияти ва молиявий аҳволи қониқарсиз бўлган ширкатлар ҳудудини очиқ танлов асосида бошқарув компанияларига бериш масаласини ўрганиш топширилди.

Умуман, уй-жой бошқарув компанияларига муайян имтиёз ва енгилликлар берилиши қайд этилди. Жумладан, улар фойда ва мулк солиғидан озод этилади, ижтимоий объектларга аутсорсинг асосида хизмат кўрсатиш учун тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади, махсус техника ва ускуналар сотиб олишга 90 миллиард сўм кредит ажратилади ва фоизларининг бир қисми қоплаб берилади, импорт қилинадиган ускуна ва техникаларга божхона божлари келгуси 3 йилда "ноль" ставкада қўлланилади, тугатилаётган ширкатларнинг муаммоли кредитлари 3 йилга музлатилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига бундай ишларни барча ҳудудларда ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Тақдимотда 2022 йилда иссиқлик таъминоти тизимида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, жорий йилда 10 та қозонхонани модернизация қилиш ва 2 та янги қозонхона қуриш, 120 километр иссиқлик тармоқларини янгилаш, натижада 24 минг 400 та хонадон ва 51 та ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик энергияси таъминотини яхшилаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳалланинг иқтисодий, ижтимоий, илмий маркази бўлиши кераклигини айтган эди.

Тақдимотда шу борада Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, маҳаллаларда болалар ва спорт майдончалари қурилади, йўлаклар тартибга келтирилиб, дарахтлар экилади. Бунинг учун 579 та маҳалланинг ҳар бирига бюджетдан 1 миллиард сўмдан ажратилган.

Президентимиз бу маблағдан самарали фойдаланиш, зарур бўлса, маҳаллий бюджетдан қўшимча ресурс йўналтириш бўйича кўрсатма берди. Бошқарув компанияларини жалб қилиб, 2 мингта кўп қаватли уйларни жорий ва капитал таъмирлаш кераклиги айтилди.

Маълумки, юртимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Хусусан, бу йил пойтахтимизда 1 миллион туп манзарали ва мевали дарахтлар экиш режалаштирилган. Тақдимотда шу борадаги ишлар ҳақида туманлар ва кўчалар кесимида маълумот берилди.

Тақдимотда Миллий боғ ҳудудида барпо этилиши режалаштирилган Давлат санъат музейи лойиҳаси, хусусан, дунёга машҳур "Ателье Брукнер" архитектура бюроси томонидан тайёрланган кўргазмалар, экспозициялар ва бошқа хоналарнинг жойлашуви режаси кўриб чиқилди.

Геология соҳасида амалга ошириладиган ишлар тақдимотида юқори технологик металлар қазиб чиқариш режалари баён қилинди. Жумладан, мис, ноёб металлар, магний, литий ва графит захираларини ўзлаштириш, углеводород хомашёси бўйича қидирув ишларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарига мамлакатимиз кимё саноатида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Хусусан, умумий майдони 31 гектардан ортиқ "Чирчиқ" кимё индустриал технопарки барпо этилмоқда. 2022 йилда технопарк ҳудудида жами 16,5 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, полимер термоэластопласт компонентлари, кўпиктирилган полипропилен, микробиологик препаратлар, қоғоз, косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланган.

Тошкент вилоятида фосфорли ва мураккаб турдаги минерал ўғитлар, "Навоийазот" негизида эса калий нитрат ва сульфат, метанолдан пропилен ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш, Кимёвий илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластерини ташкил этиш лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мутасаддиларга тақдимот қилинган лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ТУРИЗМ, МАДАНИЙ МЕРОС ВА СПОРТ СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Очиқлик сиёсати, бой маданий меросимиз ва туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш натижасида сўнгги йилларда юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг сони бир неча баробар ўсди. Пандемия ушбу соҳага ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда туризм хизматларини жадал ривожлантириш, айниқса, инфратузилмани яхшилаш, зиёрат туризми ва ички туризм имкониятларини кенгроқ ишга солиш, шунингдек, маданий мерос объектлари муҳофазасини кучайтиришга оид ишлар самарадорлигини тубдан ошириш зарур.

Шунингдек, спорт соҳасида — маҳаллалар ва таълим муассасаларида спортни янада оммалаштириш, уларда спорт билан шуғулланиш учун барча зарур шароитларни яратиш орқали аҳолини, шу жумладан, ёшларни спортнинг барча турларига кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш орқали ўғил-қизларимиз, аёлларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, нуроний онахон ва отахонларимиз умрини узайтириш, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари ҳамда халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун спортчиларимизнинг янада пухта тайёргарлик кўришларига барча шароитларни яратиш лозим.

Ушбу вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, янги ёндашувлар асосида туризм ва спорт соҳаларидаги бошқарув сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар **ташкил қилинсин**:

а) Туризм ва спорт вазирлиги негизида:

**Туризм ва маданий мерос вазирлиги**;

**Спортни ривожлантириш вазирлиги**;

б) Туризм ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг **вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари**;

Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлигининг **вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари**.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги туризм ва маданий мерос, Спортни ривожлантириш вазирлиги эса спорт соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи **давлат бошқаруви органлари** ҳисобланади;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади**;

туризм, маданий мерос ва спорт масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар **лойиҳалари** мажбурий тартибда тегишинча Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги билан **келишилади**;

давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлигининг **мурожаатига кўра,** тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги Туризм ва спорт вазирлигининг тегишли ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади**.

3. Қуйидагилар:

а) **Туризм ва маданий мерос вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

**ташқи ва ички туризмни ҳар томонлама кенгайтириш,** янги туризм йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни туризм бозорларида жорий қилиш, туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар билан **ҳамкорликни кенгайтириш**, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш, мамлакатнинг **туризм имижини янада ривожлантириш**;

**туризм турларини кўпайтириш**, энг аввало, **ички ва зиёрат** туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, республика ҳудудларининг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб туризмнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, янги туризм маҳсулотларини яратиш;

**маданий мерос объектларини** аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, тарғиб қилиш, давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юритиш, давлат назоратини амалга ошириш, **ЮНЕСКО** ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларининг нормалари ва тавсияларини **имплементация қилиш**, тарихий-маданий ҳудудларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини **сақлаб қолиш**;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида **маркетингини** олиб бориш, мамлакатимизнинг **бебаҳо туризм салоҳиятини** оммалаштириш ва тарғиб қилиш, миллий туризм **маҳсулотлари ва брендларининг** халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол **реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш**;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги "Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–75-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

**Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Туризм ва маданий мерос вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 84 нафар бўлган тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони **386 нафар** этиб белгилансин.

3. Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазирига:

туризм ва маданий мерос вазири ўринбосарлари ўртасида аниқ **вазифалар ва функцияларни тақсимлаш**;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали **мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш**;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги "Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–75-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

**Спортни ривожлантириш вазирлигининг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Спортни ривожлантириш вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 76 нафар бўлган тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Спортни ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони **594 нафар** этиб белгилансин.

3. Спортни ривожлантириш вазирига:

спортни ривожлантириш вазири ўринбосарлари ўртасида аниқ **вазифалар ва функцияларни тақсимлаш**;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали **мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш**;

зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Спортни ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари тузилмасига **ўзгартиришлар киритиш**;

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

## ЧУСТ НАМУНАСИ:

### ПАРРАНДА, ҚЎЙ, ҚОРАМОЛ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ, ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ЭСА ЎЗИ СОТИБ ОЛАДИ

**"Чуст томорқа хизмати" корхонаси аҳолини 650 бош қорамол, 1 140 бош қўй, 30 мингдан ортиқ товуқ билан таъминлайди.**

Деҳқончилик, чорвачилик азалдан халқимиз учун оилавий меҳнат тури ва даромад манбаи саналади. Албатта, ҳосилдорлик деҳқоннинг ўз ҳаракати, билими, уруғни ерга қадашдан тортиб, маҳсулотни сотишгача бўлган жараёнларни қанчалик уддалашига боғлиқ бўлган. Замона зайлини қарангки, бугун юртимизда деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланаётган оилаларга агротадбирлар мутасаддилар, қолаверса, маҳаллаларда ташкил этилган "Томорқа хизмати" МЧЖлар кўмагида амалга оширилмоқда.

Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

## ТАШАББУСЛАР ҚЎР ОЛИБ, ҲАВАС ВА ИШТИЁҚ ГУЛЛАГАН ГЎША







Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

**Бир неча йил илгари Сергели тумани чекка ҳудуд ҳисобланиб, кўпчилик бу томонга жуда ошиқавермасди. Янги Ўзбекистон ислоҳотлари, том маънода, шу ҳудуддан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Янгиланишларнинг дастлабкиси — кўплаб оилалар ҳаётига файз олиб кирган кўпқаватли уйларнинг қад ростлаши бўлди. Йиллар давомида бир хонадонда сиқилиб яшаб келган бир неча оила, ижарама-ижара сарсон бўлган аҳоли муаммоси ҳал бўлди. Кейинги йилларда Сергелида қўр олган янги ташаббус мамлакатимиз бўйлаб қулоч ёйди: янги уйлар одамлар ҳаётига тоза ҳаво олиб кирди, уларнинг дилию тилида шукроналик, ўз ҳаётидан мамнунлик, розилик ҳисси акс этди.**

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ТУРИЗМ, МАДАНИЙ МЕРОС ВА СПОРТ СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**туризм инфратузилмасини** шакллантириш, шу жумладан, туризм объектларини жойлаштириш учун **салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш** ишларини ташкил этиш, уларга инвесторларни жалб қилиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, туризм объектларини **давлат-хусусий шериклик** асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳани **босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш**;

б) **Спортни ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида **спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турлари** ва **соғлом турмуш тарзи**ни юритишга **кенг** жалб этиш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш, уларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, **спорт таълими тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш**, спорт турлари бўйича юқори натижадор **спортчилар захирасини яратиш**;

спорт инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, **қишлоқ ва чекка ҳудудларда** спорт объектларини кўпайтириш, **спорт маркетингини ривожлантириш**, спорт объектларини **давлат-хусусий шериклик** асосида самарали бошқариш ҳамда соҳани **босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш**, нодавлат **спорт объектлари ва муассасалари тармоғини кенгайтириш**, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

мамлакатимизда **профессионал спортни**, шу жумладан, **жамоавий, қишки ва экстремал спорт** турларини ривожлантиришни, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, **нософлом спортга қарши тизимли чоралар кўришни таъминлаш**;

**Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари** ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни **саралаш (селекция қилиш)**, **тайёрлаш ва маҳоратини ошириш**нинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, **спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш**;

**паралимпия ҳаракатини ривожлантириш**, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш, инфратузилмасини яратиш, истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш) ва профессионал спортга йўналтириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш.

4. Бош вазир ўринбосари — **туризм ва спорт вазири** лавозими Бош вазир ўринбосари — **туризм ва маданий мерос вазири** лавозими этиб қайта номлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5087-сон Фармонининг 3-бандига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазирининг функционал вазифаларини тасдиқласин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 18 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Туризм ва маданий мерос вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари тузилмасига **ўзгартиришлар киритиш**;

Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари **тузилмалари** ва **низомларини тасдиқлаш**, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг **чекланган сонини белгилаш** ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси **Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номланади;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти **Давлат бюджети маблағлари**, вазирликнинг **бюджетдан ташқари маблағлари** ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма маблағлари Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, тизим ташкилотлари ходимларини **қўшимча рағбатлантиришга йўналтирилади**;

Туризм ва спорт вазирлигининг мол-мулки, шу жумладан, автотранспорт воситаларини Туризм ва маданий мерос вазирлигига ўтказишда **қайта расмийлаштириш учун тўловлар ундирилмайди**;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган, ўзгартирилаётган ва бошқа ташкилотлар тизимига ўтказилаётган ташкилотларга бириктирилган кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тегишли **йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қайта расмийлаштирилади**;

Туризм ва спорт вазирлигининг марказий аппарати ходимларини Туризм ва маданий мерос вазирлигига ишга қабул қилиш Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан илгари **амалга оширилган келишувларни, танлов натижаларини инобатга олган ҳолда, мустақил амалга оширилади**;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда ҳудудий бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган **Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомга ва амалдаги тартибга асосан амалга оширилади**.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги бир ой муддатда вазирлик тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг қўшимча **манбалари** этиб белгилансин:

муассиси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — тизим ташкилотлари) ихтиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган **соф фойданинг бир қисми**;

хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини **реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар**;

тизим ташкилотларининг мол-мулкини (бундан кўчмас мулк мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг **50 фоизи**;

тизим ташкилотларининг мол-мулкини ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтирилаётган маблағларнинг **50 фоизи**;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган Давлат бюджети маблағларининг, шунингдек, талон-тарож, растраталар, камомадлар суммаларининг **50 фоизи**;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағлари, талон-тарож, растраталар, камомадлар **суммалари**;

тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг **10 фоизи**;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан **олинадиган даромадлар**;

туризм ва маданий мерос соҳаларидаги **давлат-хусусий шериклик лойиҳалари**ни амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг **ҳомийлик хайриялари**;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник **кўмаклашиш маблағлари**;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Давлат бюджетининг 2022 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлиги Тошкент шаҳри, **Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 б-уй** манзили бўйича **жойлаштирилсин**.

8. Туризм ва маданий мерос вазирлиги:

икки ҳафта муддатда вазирликнинг ҳудудий, таркибий ва қуйи бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар), уларнинг тузилмалари, шунингдек, ходимларнинг **лавозим йўриқномалари қайта тасдиқланиши**ни таъминласин;

бир ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 18 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари **тузилмалари** ва **низомларини тасдиқлаш**, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш **ҳуқуқи берилсин**.

4. Белгилансинки:

Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштириш **Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади**;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибиятининг **спорт соҳасига масъул ходимлари** Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти таркибига ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур банддаги талаблардан келиб чиқиб Ҳукумат аппаратининг штат жадвалига ҳамда тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари **Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил қилинсин.

Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига **спорт соҳасидан келиб тушган** маблағлар Жамғармага тўлиқ ўтказилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти **Давлат бюджети маблағлари**, вазирликнинг **бюджетдан ташқари маблағлари** ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма маблағлари Спортни ривожлантириш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, тизим ташкилотлари ходимларини **қўшимча рағбатлантиришга йўналтирилади**.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг **манбалари** этиб белгилансин:

муассиси Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — тизим ташкилотлари) ихтиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган **соф фойданинг бир қисми**;

хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини **реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар**;

тизим ташкилотларининг мол-мулкини (бундан кўчмас мулк мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг **50 фоизи**;

тизим ташкилотларининг мол-мулкини ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтирилаётган маблағларнинг **50 фоизи**;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Спортни ривожлантириш вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган Давлат бюджети маблағларининг, шунингдек, талон-тарож, растраталар, камомадлар **суммаларининг 50 фоизи**;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Спортни ривожлантириш вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағлари, талон-тарож, растраталар, камомадлар **суммалари**;

тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг **10 фоизи**;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан **олинадиган даромадлар**;

спорт соҳасидаги **давлат-хусусий шериклик лойиҳалари**ни амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг **ҳомийлик хайриялари**;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник **кўмаклашиш маблағлари**;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки:

Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига **давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларининг 3 фоизи** (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан ҳамда ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар бундан мустасно) **Жамғармага йўналтирилади**. Бунда ушбу маблағларнинг бир қисми тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини мақсадли молиялаштириш учун Савдо-саноат палатасига йўналтирилади ва унинг миқдори **Савдо-саноат палатаси Президиуми томонидан белгиланади;**

Туризм ва спорт вазирлигининг мол-мулки, шу жумладан, автотранспорт воситаларини Спортни ривожлантириш вазирлигига ўтказишда **қайта расмийлаштириш учун тўловлар ундирилмайди**;

Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган, ўзгартирилаётган ва бошқа ташкилотлар тизимига ўтказилаётган ташкилотларга бириктирилган кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тегишли **йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қайта расмийлаштирилади**;

Туризм ва спорт вазирлигининг марказий аппарати ходимларини Спортни ривожлантириш вазирлигига ишга қабул қилиш спортни ривожлантириш вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан илгари **амалга оширилган келишувларни, танлов натижаларини инобатга олган ҳолда, мустақил амалга оширилади**;

Спортни ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда ҳудудий бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган **Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомга ва амалдаги тартибга асосан амалга оширилади**.

Спортни ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда вазирлик тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Давлат бюджетининг 2022 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Спортни ривожлантириш вазирлиги **Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй манзили** бўйича жойлаштирилсин.

11. Спортни ривожлантириш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда вазирликнинг ҳудудий, таркибий ва қуйи бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар), уларнинг тузилмалари, шунингдек, ходимларнинг **лавозим йўриқномалари қайта тасдиқланиши**ни таъминласин;

бир ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 18 февраль

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги ПҚ—5009-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижроси юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди.**

Ушбу қарорга асосан, мавжуд ер ва сув ресурсларидан, ўрмон фондидан ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш ҳамда диверсификация қилиш орқали барқарор ўсишини таъминлаш, халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмол рационини яхшилаш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, қулай агробизнес муҳитини ва хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтириш натижасида соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Хусусан, Стратегия ижроси юзасидан жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг 2 та қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, 9 та қарори ҳамда Ҳукуматнинг 13 та қарори, 4 та амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги 121-сон қарорига асосан, 3 млн. 148 минг гектар ерга қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилди.

Жумладан, 1 миллион 38 минг гектарга ғалла, 1 млн 32 минг гектарга пахта, 166 минг гектарга сабзавот,



71,5 минг гектарга полиз, 50,7 минг гектарга картошка, 125,3 минг гектарга мойли экинлар, 339 минг гектарга озуқабоп экинлар ва 250,5 минг гектарга бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилди.

Бунда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, сув ресурслари билан таъминланганлиги ҳамда аҳолининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаби инобатга олинди.

2021 йил натижалари билан 7,8 миллион тонна дон (104,2 фоиз), 3,4 миллион тонна пахта (110 фоиз), 21,7 миллион тонна мева-сабзавот (105,7 фоиз), 11,5 миллион тонна сабзавот (110 фоиз), 3,2 миллион тонна картошка (103,2 фоиз), 2,3 миллион тонна полиз (107,9 фоиз), 2,9 миллион тонна мева (102 фоиз), 1,75 миллион тонна узум (107,6 фоиз) етиштирилиб, йиллик ўсиш 105,8 фоизни, шундан деҳқончиликда 106,8 фоизни ташкил этди.

Республикада қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга, жойларда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштиришни йўлга қўйиш каби бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, мажлисда 2022 йил учун мақсадли вазифалар белгиланиб, бунда қуйидаги устувор вазифалар долзарблиги алоҳида таъкидланди:

<u>биринчи</u> — ҳудудларда шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотидан келиб чиққан ҳолда, республиканинг барча туманлари ҳудудлари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштирилишини таъминлаш. Бунда:

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда унинг ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиштирилишига алоҳида эътибор қаратиш;

кооперация ва кластер тизими асосида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва ички ҳамда ташқи бозорларга сотиш тизимини йўлга қўйиш;

<u>иккинчи</u> — мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш учун камида битта туман ҳудудини органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш чораларини кўриш;

<u>учинчи</u> — мавжуд сув инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

<u>тўртинчи</u> — 2022 йил 1 апрелдан бошлаб ҳудудларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб, туман ҳокимликлари захирасидаги яхлит ҳолда 300 гектаргача ер майдонларида плантация усулида интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш чораларини кўриш;

<u>бешинчи</u> — 2022 йил 1 июнга қадар “Ягона дарча” тамойили асосида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрокластерлар, кооперациялар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига инновацион агрохизматлар кўрсатиш мақсадида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Мажлис якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ТАШАББУСЛАР ҚЎР ОЛИБ, ҲАВАС ВА ИШТИЁҚ ГУЛЛАГАН ГЎША




Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

Бошланиши 1-бетда

Ҳудудга тўрт-беш йил илгари келган одамнинг бугун яна йўли тушса, бу ерни танимаслиги тайин. Чунки аввалги қаровсиз ҳудуд ўрнида кўркам шаҳарча бунёд бўлди. Ташландиқ ерлар ўзлаштирилди, текис ва равон йўллар, кўпқаватли уйлар, бозор ва дўконлар, мактаб ва боғчалар қурилди. Мавжуд бинолар қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага кирди. Ҳудудга метро линиясининг келиши минглаб одамларнинг йўлини яқин, мушкулини осон қилди. Инфратузилма аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратди.

Ўзгаришлар одамлар ҳаётида ҳам бўй кўрсатди. Уларнинг ишига, рўзғорига барака инди, кайфиятида кўтаринкилик сезилди. Айниқса, ўтган ҳафта Президентимизнинг ҳудудга ташрифи аҳоли ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

### “Рўзғоримиз бут, кўнглимиз хотиржам”

“Ҳаракатда — баракат”, дейди донишманд халқимиз. Бугун ҳаракат қилган одам яхши яшашнинг уддасидан чиқяпти. Йиллар давомида ишсизликдан қийналган, ноиложликдан чет давлатларга ризқ илинжида йўл олганлар учун бугун юртимизда иш ўринлари яратилмоқда.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Янгиҳаёт туманига бир неча бор ташриф буюрди. Шу маънода айтиш мумкинки, ҳудуддаги ҳар бир ўзгариш Президентимизнинг шахсан эътиборида. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилиб, бугун кўплаб янгиҳаётликлар иш билан банд бўлди.

Туманда 10 та йирик саноат корхонаси, 2013 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Бу одамларнинг ўз уйига яқин масофада ишлаш имконини берди. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Almerro group” корхонаси айни пайтда 125 юртдошимизни иш билан таъминлади. Демак, шунча оила ҳаётида ижобий ўзгариш бўлди, тутумига даромад кирди. Корхонада 95 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бир ойлик ишлаб чиқариш ҳажми 2 минг тоннани ташкил қилади. Маҳсулот ички бозордан ташқари қўшни давлатлар, жумладан, Россия, Мўғулистон, араб мамлакатларига экспорт қилинади.

— Корхонада иш бошлаганимга уч ой бўлди, — дейди корхона ишчиси Шарифа Яҳёева. — Илгари ишламаганман. Чунки ишлаш учун иш ўрни бўлмаган. Шаҳарга қатнаб ишлай десам, транспорт муаммо эди. Тўрт фарзандимиз бор. Тўнғичимиз Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси. Яна бир фарзандимиз олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўряпти. Кичкиналаримиз тил ва фан тўгаракларига қатнайди. Бу корхонанинг очилиши ортидан биз каби ишсиз аёллар касбли бўлди. Рўзғоримизга нафимиз тегаётганидан хурсандмиз. Маошимиз ўз вақтида берилади. Яхши ишласак, устама оламиз. Эрталаб болаларни ўқишга кузатгач ишга келамиз, қош қораймай қайтамиз. Нонушта ва тушлик корхона ҳисобидан. Бу ҳам нақдимизни, ҳам вақтимизни тежайди. Энг муҳими, қандолат корхонасида ишлаш бекаларга хуш ёқади. Яқинда янги уйли бўлдик, қўлимда касбим бор. Фарзандларим ўқишга иштиёқманд. Рўзғоримиз бут, кўнглимиз хотиржам. Бир аёл сифатида ўз ҳаётимдан миннатдорман.

### “Корхона менга мақсад билан яшашни ўргатди”

Инсон қайси касбда ишламасин, ўз ишини яхши кўрса, сидқидилдан меҳнат қилса, албатта, бу ишда барака бўлади. Корхона қадоқлаш бўлими бош механиги Одил Аҳмаджонов қандолат фабрикасига ишга келганида 19 ёшда эди. Ўз ишига меҳр қўйди, ҳар бир вазифани сидқидилдан бажарди. Айни пайтда 4-4,5 миллион сўм маош олади. Бундан ташқари, корхонадаги фаолияти давомида институтга ҳужжат топширди.

— Иш бошлаган илк кезларим менда бу ерда маълум муддат ишласам керак, деган ўй бор эди, — дейди у. — Бироқ кетолмадим. Ишхонамни яхши кўриб қолдим. Устозлар, ҳамкасблар оила аъзоларимдек бўлиб қолган. Ота-онам, яқинларим ҳам ишли бўлганимдан хурсанд. Бекор юриш ўрнига бир ишнинг бошидан тутиб, рўзғорга қарашганимиз уларни ҳам қувонтиради-да. Маошимдан орттириб, онамга берган пулларим йиғилиб, битта автомашинага етиб қолибди. Яқинда машинали бўлдик. Энг муҳими, корхона менга ўз олдимга катта мақсадлар қўйишни ўргатди. Устозларим “Ҳали ёшсан, қандолатчилик йўналишида технологлар кам. Бу соҳанинг баланд-пастини анча билиб олдинг. Мутахассисга назарий билим керак, бироқ билим амалиёт билан мустаҳкамланади. Сен шу йўналишда ўқиб олишинг керак”, деб маслаҳат берди. Қулоқ солиб, кам бўлмадим. Айни пайтда Тошкент кимё-технология институтида сиртдан ўқияпман. Президентимизнинг ўзи биз — ёшларга катта руҳ бераётган, келажакни бизга ишониб қураётган бир пайтда индамай юравериш бизга ярашмайди. Мен ҳам келажакда ўз касбимнинг устаси — технолог бўлиб, соҳа ривожига ҳисса қўшишни, мамлакатимизга нафим тегишини мақсад қилганман.

Яқин йилларгача қаровсиз ётган 3 гектар майдон ўзлаштирилиб, “Almerro group” МЧЖга қарашли мазкур қандолат корхонаси барпо этилгач, биринчи босқичда бу ерга 45 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Туркиядан замонавий технологиялар келтирилди.

Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари Янгиҳаёт туманига ташрифи доирасида қандолат корхонасини кўздан кечириб, сифат, нарх ва мутахассислар бўйича ўз таклифларини билдирди.

Корхона раҳбари Ихтиёр Саибовнинг таъкидлашича, Президентимиз таклифлари амалиётга татбиқ қилинса, маҳсулот ҳажми янада ортади, қолаверса, айни пайтда хорижлик мутахассисларга берилаётган маош ўзимизда қолади, яна ишчи ўринлари яратилади.



### “Маҳалла — давлатнинг замини”

Давлатимиз раҳбари ўтган йили пойтахтимизнинг Яшнобод туманига ташрифи чоғида “Парвоз” маҳалласида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашган, уларнинг маҳалладаги ўзгаришлар бўйича фикри билан қизиққан эди.

Шавкат Мирзиёев мутасаддиларга “Парвоз” маҳалласини намуна қилиб, Тошкент шаҳридаги барча маҳаллани шундай обод қилиш бўйича топшириқ берган, бунинг учун ҳар бир маҳаллага, ўша кун ҳолатидан келиб чиқиб, ўртача 2 миллиард сўмдан маблағ ажратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бугун Президентимизнинг ана шу топшириғи самара бериб, пойтахт маҳаллалари қиёфаси тубдан янгиланмоқда.

Янгиҳаётнинг илгари кўримсиз бўлган “Дўстлик” маҳалласи “Обод маҳалла” дастури туфайли буткул янги қиёфага кирди. Аҳолининг осуда яшаши ва дам олиши учун шароитлар яратилди.

**Маъмура АЗИМОВА, “Дўстлик” МФЙ раиси:**

— Маҳалламизда 11 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили маҳалламизда ободликлар бошланди. Натижада



бу ерда ҳамма нарса янгиланди: кўп қаватли уйлар, йўллар, болалар ўйингоҳлари, спорт майдончаси, янги дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Шу тизимда 1999 йилдан буён ишлайман. Фаолиятим давомида бу каби ўзгаришларни, рости, кўрмаганман. Дастур доирасида МФЙ ўзининг биносига эга бўлди.

Президентимиз туманимизга ташрифи доирасида фуқаролар йиғинининг янги биноси билан танишди, маҳалла фаоллари, нуронийлар билан мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари **“Бу — давлатнинг замини. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади”,** деган фикрни таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, катта ислоҳотлар замирида маҳалла ободлиги ётади, одамларнинг розилиги ётади. Бугунги бунёдкорликлар аҳоли кўз олдида бўлди. Уларнинг ўзлари ҳам жараёнда иштирок этди. Маҳалладошларимизнинг қувончи бизни ишлашга ундайди, янгидан-янги ташаббусларни амалга оширишимизга куч беради.

### Президентимиз ташрифи ўзимизга бўлган ишончимизни оширди

Маҳалла аҳлининг айтишича, ҳудуд бир вақтлар овлоқ бўлиб, қаровсиз кўчалар, йўлаклар киши ваҳмини келтирган. Бугун маҳалла қиёфаси буткул ўзгарди.

Бу ерга келсангиз, маҳалланинг 1- ва 2-кўчалари ўртасидаги ихчам хиёбон эътиборингизни тортади. Соя-салқин жой кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи аҳолининг севимли гўшасига айланган. Хиёбон қурилишида ўттиз йиллик ўрик, шотут, ёнғоқ каби мевали дарахтлар сақлаб қолинди. Уларнинг орасига декоратив дарахт ва гуллар экилди. Ўйин майдончаси қурилди.



— Ўтган асрнинг 90-йилларида ҳудуд ўзлаштира бошлангач, бу ерга кўчиб келганмиз, — дейди маҳалла фаоли Арофат Тоирова. — Эсимда, кўп қаватли уйлар орти қамишзор эди. Маҳалламиздаги ҳар одам, ҳар бир дарахт менга таниш. Уйлар қандай қурилган бўлса, йиллар давомида шундай қолиб кетди, ҳамма ер ўз ҳолига ташлаб қўйилди. У ёғини тўғриласак, бу ёғидаги камчилик кўриниб қолади, бу ёғига қарасак, у ёғида яна бир муаммо. Одамлар ҳам бепарво, худди бироздан кейин бу ердан кўчиб кетадигандек ҳеч нима билан иши бўлмасди. Бора-бора бу кайфиятимизда ҳам акс эта бошлади. Ўз маҳалламиз номини айтишга уялган пайтларимиз бўлди. Такси тўхтатсак, маҳалла номини айтишимиз билан ҳеч ким рози бўлмасди. Бугун-чи? Замон ўзгарди, янги ислоҳотлар кайфиятимизга таъсир ўтказди. Бугун Дўстлик маҳалласида яшаш кўпчиликка ҳавас бўлиб улгурди. Айниқса, Президентимизнинг маҳалламизга келиши ўзимизга бўлган ишончимизни янада оширди. Давлатимиз кўмаги, ҳаракати бизни ҳам янгича яшашга ундади. Энди ўз ҳудудимизни авайлашимиз, фарзандларимизни ҳовлиларни озода тутишга ўргатишимиз шарт.

Маҳалла ободликка юз тутгач, ҳудуддаги фойдаланилмай ётган бинолар ўз ишини йўлга қўйиш учун аҳолига берилди. Ҳар бир уй олди янада гавжумлашди. Сартарошхона, дўкон, маиший техника воситаларини тузатиш устахонаси, ҳунармандлик маркази очилди.

Турсуной Тошпўлатова 58 ёшда. Икки қизини турмушга узатган, кичиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси. Турсуной опанинг айтишича, пенсияга чиққач, ёшликдаги касби — қуроқчилик билан шуғуллана бошлаган. У тиккан ёстиқжилдлар, дастурхон ва сумкалар қўни-қўшниларга маъқул келгач иш кўламини кенгайтирмоқчи бўлиб, маҳалла раисига мурожаат қилган. Жой ажратилди, Турсуной опа эса маҳалладаги қизларни шогирдликка олиб ишини кенгайтирди. Бугун ҳунармандлик ортидан 5 иш ўрни яратди.

— Қизларга иш ўргатдим, сўнг уйга тикишга иш бердим. Қарасам, бинойидек қўллари келишиб қолди. Тиккан маҳсулотларимизни ички бозорда сотамиз, қолаверса, меҳмонхоналарга олиб бориб, чет эллик сайёҳларга намойиш қиламиз. Уларга миллий ҳунармандчилик маҳсулотларимиз маъқул келмоқда. Маҳалламизга Президентимиз келган куни ҳам иш билан банд эдик. Президентимизнинг мен билан келиб суҳбатлашиши хаёлимга ҳам келмаган эди. Йўлакдан ўтиб кетаётиб, бирдан қайрилиб, биз томон юриб келди. Ўша пайтдаги ҳолатимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Тилим айланмасди. Биз билан самимий саломлашди, турмушимиз билан қизиқди, миллий ҳунармандлик маҳсулотларимиз билан танишди. “Жуда яхши иш бошлабсиз”, деди. Бу ишни тўхтатмаслигимиз, ёшларга ҳам ўргатишимизни айтди. Сиз билан қандай гаплашиб турган бўлсак, худди шундай гаплашдик. Бу учрашув бир умр ёдимда қолади, — дейди Турсуной опа.

### Учрашув ёшларга қувват манбаи бўлди

Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳа бўйича янги тизимлар йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фаровонлиги, халқ розилиги йўлида амалга оширилаётган бу ислоҳотлар Президентимиз назоратида. Мамлакатимиздаги янги тизим асосида Янгиҳаёт туманидаги 30 та маҳаллага ҳам ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси тайинланди.

Шавкат Мирзиёев ташриф давомида **“Илгари одамлар муаммолар бўйича ҳокимиятга борарди, хатлар ёзарди. Энди ҳар бир маҳаллада Президентнинг ўз вакиллари бор. Энди улар хонадонларни ўрганиб, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича ишларни йўлга қўйишлари зарур”,** дея таъкидлади.



Давлат раҳбари билан учрашув, шубҳасиз, ёшларга зўр қувват манбаи бўлди. Аллақачон ишларни бошлаб юборган Президент вакилларининг бу учрашувдан сўнг мақсадлари янада қатъийлашди, янгидан-янги режаларга йўл очди.

**Бектош ҲАМДАМОВ, “Иқбол” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси:**

— Маҳаллада иш бошлагунимга қадар хусусий корхона раҳбари бўлиб ишлардим. Фаолиятим давомида Президентимизнинг ёшларга мотивация бериши, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашини кузатиб, давлат хизматида, Президентимизга, халқимизга нафим тегадиган йўналишда ишлашни ўйлаб юрардим. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозимининг жорий этилиши менга орзуимни амалга оширишда катта имконият яратди. Бу вазифада кўпроқ одамларга ёрдамим тегишини тушуниб, ҳужжатларимни топширдим. Таклифларим, мақсадларим билан танишгач, бу вазифага номзодимни тасдиқлашди. Аллақачон ишларни йўлга қўйиб олдик.

Иш бошлаган илк кунимдаёқ Нигора исмли аёл келди. У тикув машинаси учун субсидия зарурлигини айтди. Қутилар ясаб бозорларга тарқатишини айтганда, бу ишни такомиллаштириш ғояси пайдо бўлди. Аёлнинг айтишича, ҳар бир қутича учун тадбиркор унга 3 минг сўмдан берар экан. Уйида ўтириб, бир кунда 35-40 та қутича ясай оларкан. Унга тикув машинаси олиб беришимизни, қутича ясаш лойиҳасини ҳам такомиллаштиришимизни, бу борада ёрдам беришимизни айтдим. Айни пайтда, кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрланяпти. Нигоранинг лойиҳаси амалга ошса, маҳалладаги 5 нафар аёлга иш ўрни яратилади.

> — Маҳалламизда 11 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили маҳалламизда ободликлар бошланди. Натижада бу ерда ҳамма нарса янгиланди: кўп қаватли уйлар, йўллар, болалар ўйингоҳлари, спорт майдончаси, янги дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Шу тизимда 1999 йилдан буён ишлайман. Фаолиятим давомида бу каби ўзгаришларни, рости, кўрмаганман. Дастур доирасида МФЙ ўзининг биносига эга бўлди.

Президентимизга шу каби ташаббусларни, ҳали ғояларим кўплигини айтиб бердим. Давлатимиз раҳбари биздан катта натижалар кутаётганини билдирди. Бу ишончни, албатта, оқлаймиз. Чунки бизга суянчиқ бўлиб, ишонч билдириб шахсан давлат раҳбари турибди.

### Бугун — бола, эртага — етук мутахассис

Мамлакатимиз тараққиёти билимли кадрларга боғлиқ. Президентимиз, “Almerro group” корхонаси билан танишиш жараёнида мутахассислар тақчиллиги хусусида ҳам алоҳида таъкидлади.

Бу муаммо бошқа йўналишларда ҳам бор. Давлатимиз раҳбари бугун ҳар йўналишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мактабгача таълим ёшидан бошлаб болаларга мукаммал таълим-тарбия беришни кучайтириш, алоҳида ёндашувни амалиётга татбиқ этиш даврнинг муҳим масалаларидан биридир. Бугун Янгиҳаёт туманида 22 та давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда 6 мингга яқин бола тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 18 та нодавлат, 8 та хусусий, шунингдек, оилавий боғчалар фаолият олиб бормоқда. Уларда кичкинтойларнинг соғлом овқатланиши, баркамол вояга етиши учун барча шароитлар яратилган. Мактабгача таълимга болалар қамрови йилдан-йилга ортиб бориши юртимиз эгаларининг илк одимларидан бошлаб мақсадли таълим-тарбия олишига имкон яратаётир.

— Мамлакатимизда болаларнинг таълим-тарбия олиши учун Президентимиз эътибори билан катта ислоҳотлар бошланди, — дейди туман мактабгача таълим бўлим мудири Севара Ҳусанбоева. — Туманимиздаги барча давлат мактабгача таълим ташкилоти ўтган йили жорий таъмирланди. “Ёрқин ҳаёт” ҳамда “Марҳамат” маҳаллаларида янги қиёфадаги замонавий ДМТТ қад ростлади. “Гулшанобод”, “Орият” маҳаллаларида ҳам янги муассасалар қурилиши белгиланган. Янги боғчалар ҳисобига қамровимиз янада ошади. Бугунги болалар — келажакнинг етук мутахассислари. Уларнинг орасидан барча соҳалар бўйича салоҳиятли кадрлар етишиб чиқади. Мамлакатимиз довруғини оламга таратиш ҳам уларнинг қўлида. Шундай экан, биз — педагоглар бор куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз лозим.

Бугун мамлакатимизда ислоҳотлар кириб бормаган ҳудуд қолмади ҳисоби. Амалга оширилаётган хайрли ишлар, ташаббуслар ҳар бир хонадонда бўй кўрсатмоқда. Бу ободликлар доирасида ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари ривожланмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, шу асосда аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси янада юксалмоқда. Одамлар эса давлат томонидан уларга яратилаётган шароит ва имконлар залворини ҳис қилмоқда, ўз ҳаётидан рози бўлмоқда.

Янгиҳаёт ҳам бугун мўъжиза билан юзлашди. Бу ерда авж олган янги-янги ташаббуслар ҳали ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



МУНОСАБАТ

# ЧУСТ НАМУНАСИ:

## ПАРРАНДА, ҚЎЙ, ҚОРАМОЛ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ, ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ЭСА ЎЗИ СОТИБ ОЛАДИ

### “Чуст томорқа хизмати” корхонаси аҳолини 650 бош қорамол, 1 140 бош қўй, 30 мингдан ортиқ товуқ билан таъминлайди.



**Муроджон СИДДИҚОВ, “Чуст томорқа хизмати” МЧЖ раҳбари**

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида жорий йил 16 февраль куни чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишларни янада кенгайтириш ҳақида ҳам сўз борди. Хонадонларда кооперация орқали чорвани кўпайтиришда намунали ҳудудлар, хусусан, Наманган вилояти Чуст тажрибасини оммалаштиришга урғу берилди. Туманда аҳолига 2-3 тадан наслли қорамол тарқатиш, ветеринария хизматларини бепул кўрсатиш, гидропоника усулида озуқа етиштиришни йўлга қўйишда томорқа хизмати корхоналари намуна сифатида кўрсатилиб, фаолиятимизга катта ишонч билдирилди.

Ҳақиқатан, 2018 йилда синов тариқасида илк бор ташкил этилган “Томорқа хизмати” корхоналарига йил сайин талаб ортиб бормоқда. Жойларда аҳоли томорқа ерларини шудгорлаш, зарур уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хонадонларга ихчам иссиқхона қуриб бериш, эчки, қўй, парранда, асалари уялари, қуён етказиб бериш каби хизматларни “Томорқа хизмати” корхоналари орқали ташкил этиш йўлга қўйилди. Энди маҳсулот етиштирган ёки парранда, чорва молларидан ҳар куни озиқ-овқат маҳсулоти тайёрлайдиган оилалар харидор излаб овора бўлмайди, “Томорқа хизмати” МЧЖнинг ўзи сотиб олади.

Бизнинг “Чуст томорқа хизмати” МЧЖ корхонамиз ҳам 2018 йилдан буён туманнинг барча маҳаллаларидаги оилаларга хизмат кўрсатиб келяпти. Дастлаб хонадонларга агротехник хизматлар кўрсатиш, кўчат етиштириб, томорқаларга тарқатишни йўлга қўйилган бўлса, кейинчалик фаолият йўналишларимиз кенгайиб борди. 2019 йилдан бошлаб аҳолига шартнома асосида наслдор чорва молларини етказиб беряпмиз. Бугунга қадар корхонамиз томонидан “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 650 бош қорамол, 1140 бош қўй, 30 мингдан ортиқ товуқ тарқатилди. Қолаверса, 92 та хонадонга 1 сотихли иссиқхона қуриб, 450 минг дона турли хилдаги кўчатлар етказиб берилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ҳам берилмоқда. Айни пайтда чорвачилик ва паррандачиликка катта эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас. Боиси, бу йўналиш оилалар фаровонлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Қадим замонларда хонадонида сигири бор оила бой ҳисобланган. Оила аъзолари ҳар куни сут маҳсулотлари истеъмол қилган. Ҳозир ҳам маҳаллабай ишлаш тизими асосида ана шу тажрибани оммалаштиришни мақсад қилганмиз. Парранда, чорва моллари оилалар дастурхонини сут, тухум, гўшт каби кундалик истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириши баробарида, одамларни иш билан таъминлайди, хонадонлар бюджетига қўшимча даромад олиб киради.

Шу боис, Чуст тумани аҳолисининг чорвачиликка қизиқиши ортиб боряпти. Қорамолларни оилалар талабидан келиб чиқиб, шартнома асосида



2-3 тадан етказиб беряпмиз. Наслдор чорва молларни қўшни республикалардан олиб келамиз. 20 кун давомида карантинда сақлаб, уларга зарур ветеринария хизмати кўрсатилади, сўнг талабгор хонадонларга тарқатилади.

Битта сигир ўртача 15-20 литр сут беради. Хонадон эгалари ихтиёрига қараб, сутни ҳам ўзимиз сотиб оламиз. Корхонамиз ўз цехига эга. Унда маҳсулот қайта ишланиб, сут, қаймоқ, творог, қатиқ маҳсулотлари мактабгача таълим муассасалари ҳамда ички бозорга етказиб берилади.

Чорвачиликни ривожлантиришда озуқа базаси муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, хонадонларда чорва сонининг кўпайиши, ем-хашакка бўлган эҳтиёжнинг ҳам ортишига олиб келмоқда. Шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, “Гидропоника” технологияси асосида озуқа етиштириш йўлга қўйилди. Бу сўнгги йилларда оммалашаётган инновацион усул бўлиб, мазкур технология ёрдамида 1 килограмм буғдойни 7-8 килограммгача озуқага айлантириш мумкин. Бу, ўз навбатида, озуқа маҳсулотлари нархининг пасайиши баробарида, сут маҳсулотларининг ёғлилик даражасини 2,7-3,6 фоизга оширади. Эндиликда бундай қурилмаларни хонадонларнинг ўзига босқичма-босқич ўрнатиб беряпмиз. Бундан ташқари, чорва молларининг ҳолати, саломатлиги ҳам доимий назоратимизда. Зарур ҳолларда уларга бепул ветеринария хизмати кўрсатилади.

Яқинда паррандачилик билан шуғулланишга ҳам фаол киришдик. Авваллари корхонада инкубатор бўлмагани боис, хонадонларга унчалик кўп парранда тарқата олмасдик. Хитой давлатидан 45 минг бош жўжа очириш қувватига эга бўлган инкубатор олиб келингач, 2021 йил куз фаслининг ўзида аҳолига 30 мингта маҳаллий товуқ етказиб берилди.

Юртдошларимизнинг ишли бўлиши, хонадонларга даромад кириши йўлида доимий камарбастамиз ва изланишдамиз. Президентимизнинг туманимиздаги тажрибани алоҳида таъкидлаганидан қувондик. Бу, энг аввало, зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Ўз тажрибамизни ҳамкасбларимизга ўргатишга доимо тайёрмиз.

ЭКОЛОГИЯ



# ПОЛИЭТИЛЕН ПАКЕТЛАР 400 ЙИЛДА ЧИРИЙДИ

## шиша синиқлари парчаланиши учун қанча муддат керак?

**Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Бугунги кунда дунё миқёсида чиқиндилар муаммоси энг долзарб экологик масалалардан бирига айланиб улгурган. Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда маиший ва саноат чиқиндилари йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Айниқса, XXI асрда маиший чиқиндилар ҳажми ўсиши экологик барқарорликка жуда катта салбий таъсир кўрсата бошлади.**

Деярли барча мамлакатларда қаттиқ маиший чиқинди аҳоли жон бошига нисбатан ҳар йили 1 фоиз ошмоқда. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сони келгусида янада ортиши башорат қилинмоқда. Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати, қурилиш индустрияси чиқинди ҳосил қилувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, Японияда резина ва кабель маҳсулотларнинг 34 фоизи, шиша буюмларнинг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинади. Бу борада Хитой тажрибаси янада ҳайратланарли. Улар алюминий, темир, мис каби металлардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлашдан олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш, маиший чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш борасида ишлар жадаллашган.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 2 февраль куни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишда ҳам ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган масалалар белгилаб берилди.

Хусусан, жорий йилда маиший чиқинди тўплаш қамровини 95 фоизга, қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга ва бу борада хусусий сектор улушини 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу ўринда, баъзи маълумотларни келтириб ўтсак. Биргина полиэтилен пакетлар чириши учун 400 йил, шиша синиқлари парчаланиши учун бир аср муддат керак бўлади. Юртимизда бундай чиқиндиларни саралаб, қайта ишлаш натижасида экологик мусаффоликка ва иқтисодий барқарорликка эришиш учун барча имконият етарли.

Андижон вилояти маиший чиқиндиларни қайта ишлашда энг фаол ҳудудлар қаторида. Яъни бу йўналишда 45 фоиз кўрсаткични қайд этмоқда. Ўтган йили вилоятда 330 минг тонна маиший чиқинди қайта ишланди. Асосан, қоғоз, плёнка, пластмасса ҳамда шишани қайта ишлаш ҳисобига 112 минг тонна тайёр маҳсулот олинди.

Айни пайтда вилоятда 15 та ана шундай корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда улар сони янада ортади. Сабаби, айни йўналишда ишлаётган тадбиркорларга қатор имтиёзлар берилди.

Андижон шаҳридаги “Texno innovator” пластмасса заводи ойига 50-60 тонна пластмассани қайта ишлаш қувватига эга. 50-55 фоизгача маҳсулот иккиламчи чиқиндини қайта ишлаш эвазига тайёрланади. Маҳсулотларнинг 50 фоизи экспортга йўналтирилмоқда.

— Корхонамиз 2012 йилда иш бошлаган, — дейди завод раҳбари Баҳромжон Қодиров. — Айни пайтда бу ерда 45 йигит-қиз доимий иш билан таъминланган. Иккиламчи пластмасса маҳсулотларини қайта ишлаймиз. Тайёр маҳсулотлар ички бозорга ва экспортга йўналтирилмоқда. Бу ерда бир йилда олти миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.



Келажакда корхона фаолиятини кенгайтириш эвазига яна 10 та доимий иш ўрни яратилади. Президентимиз биз, тадбиркорларга жуда катта имтиёзлар берди. Жумладан, қайта ишлаш қуввати бор кластерларга ер, мол-мулк ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз қилиб белгиланди. Бунинг эвазига улар ўз ҳудудидаги чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини камида 40 фоизга олиб чиқиши керак. Албатта, бу енгилликлар ишлаб чиқариш қувватини яхшилаш билан бирга, даромадимиз ошиши ва янги иш ўринлари яратишимизда муҳим аҳамиятга эга.

Вилоятдаги “Андижон тезкор тозалик” МЧЖда эса полиэтилен чиқиндидан гранула тайёрлаш, қоғозни қайта ишлаш ва полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш цехлари мавжуд. Хусусан, плёнкани қайта ишлаш цехида чиқиндидан ойига 45,6 тонна гранула тайёрланади. Корхонада 80 та иш ўрни бор.

— Корхонамиз Президентимизнинг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган эди, — дейди МЧЖ раҳбари Содиқжон Раҳимов. — Бугунги кунда маиший чиқиндиларни қайта ишлаш эвазига, аввало, экологик мусаффоликка, қолаверса, иқтисодий барқарорликка эришяпмиз.

Юртимизда экологик мусаффо муҳитни шакллантириш борасида катта мақсадлар кўзланган. Асосийси, бунга эришиш учун мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга катта имконият ва қатор енгилликлар яратилмоқда. Жумладан, энди импорт қилинадиган техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар божхона божидан 3 йил муддатга озод этилади. Саралаш, қайта ишлаш техникалари хариди учун 5 йилгача имтиёзли кредитлар ажратилади ва қайта молиялаштириш ставкасидан ошган қисми қоплаб берилади. Бу ишлар учун халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағлари ҳисобидан 5 йил муддатга босқичма-босқич 500 миллиард сўм кредит ажратилади.

Амалга оширилаётган ишлардан асосий мақсад эса мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини янада жонлантириш, чиқиндилар қайта ишланишини ривожлантириш, энг муҳими, экологик маданият, иқтисодиёт юксалишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Бугунги дунё кечагидан анча фарқ қилади. Пандемия асл салоҳиятимизни юзага чиқариб, бугунгидек мураккаб шароитда барча имкониятдан самарали фойдаланиб, илм-фан асосида ривожланишни, хатти-ҳаракатларимизни илмий хулосалар асосида амалга оширишни тақозо этмоқда.**

# УЛУҒВОР МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШГА ИЛМ-ФАН ЁРДАМ БЕРАДИ



**Худойназар ЮНУСОВ, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор**

Яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз “Биз “Инсон қадри учун” тамойили асосида келгуси беш йилда камбағалликни камида 2 баробар қисқартиришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик”, дея таъкидлади.

Ҳар бир инсон ҳаётда яхши яшашга ҳақли. У яхши яшаши учун, албатта, ишлаши, меҳнати ортидан эса ҳалол даромад қилиши керак. Шунингдек, дастурхонида у истеъмол қиладиган маҳсулотлар ҳам тўкис бўлиши лозим. Бугун озуқа рационимизнинг 30 фоизини гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ташкил қилади. Бу неъматларни етиштириш эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи тармоғи — чорвачилик ривожи билан бевосита боғлиқ. Маълумотларда келтирилишича, юртимизнинг ички имконияти, иқлим шароити халқимизни муносиб ва ҳамёнбоп нархда озиқ-овқат маҳсулотлари — гўшт, сут, тухум ва ҳоказо билан таъминлаш имконини беради.

> **ДИЁРИМИЗ СЕРҚУЁШ, ЗАМИНИМИЗ СЕРҲОСИЛ, СУВИМИЗ БОР. ДЕМАК, МАМЛАКАТИМИЗДА БУ СОҲА РИВОЖИ УЧУН ҲАММА ТАБИИЙ ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ. ЭНДИ БИЗ БУ ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎҒРИ, ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИБ, СОҲА РИВОЖИНИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ.**

Ота-боболаримиз азалдан бу соҳанинг пири бўлган. Чорва билан асрлар давомида шуғулланиб, даромад қилиб, рўзғор тебратган. Чорвачилик ортидан дастурхони тўкин, рўзғори бутун, ҳаёти фаровон бўлган. Шу боис, бутун дунёда пандемия давом этаётган, иқлим ўзгаришлари юз бериб, қурғоқчиликлар кузатилаётган, сув танқислиги сабаб кўплаб мамлакатлар бор ҳосилидан айрилиб, озиқ-овқат нархи кўтарилиб бораётган мураккаб шароитда айнан меҳнатсеварлик халқимизни жуда кўп балолардан асраб қолди, деб бемалол айтиш мумкин.

Президентимиз таъбири билан айтганда, энди биздан бошқачароқ меҳнат талаб қилинади. Халқаро экспертлар хулосасига кўра, Ўзбекистонда етиштирилаётган неъматлар табиийлиги, таркиби тозалиги ва бошқа хусусиятлари билан жуда қадрли. Биз энди халқимиз эҳтиёжидан ортган гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини экспорт қилишимиз, “Ўзбекистонда етиштирилган” деган ёрлиқ билан дунё бозорига чиқаришга интилишимиз лозим. Бу йўлда бизга, албатта, илм-фан ёрдам беради.

“Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим тармоғи — чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш, ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳар кунгидан ҳам долзарб ва устувор аҳамият касб этмоқда”, деди давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида.

Шунингдек, йиғилишда ички истеъмол бозорини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг асосий устувор вазифалар сифатида таъкидланди.

Чорвачиликнинг илмий базасини яратиш устида олимларимиз томонидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳудудларнинг табиий, иқтисодий шароити ва озуқа базаси ресурсларига қараб, минтақалар бўйича ривожлантириш ишлари кутилган самара беради. Илмий тадқиқотлар самараси ўлароқ, қисқа муддатда маҳсулдорлиги кам бўлган зотларни чатиштириш ва наслдор зотларни мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштириш натижасида халқимизнинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи кўрсаткичи шакллантирилади. Бу борадаги ишлар ҳудудлар бўйича амалга оширилади ва мониторинг қилиб борилади.

Чорвачиликнинг ҳар бир тармоғи бўйича алоҳида кўрсаткич ва натижага эришган ҳудудлар тажрибаси оммалаштирилади. Мисол учун, қорамолчилик бўйича Миришкор тажрибаси, озуқа етиштириш бўйича Чуст ва Балиқчи тажрибаси, паррандачилик бўйича Тахиатош тажрибаси ва ҳоказо. Чорвачиликда юқори сифат ва маҳсулдорликка эришишда озуқа билан таъминлаш муҳим ўрин тутади. Мазкур йўналишдаги субъектларга озуқа учун ажратилган экин майдонларидан унумли фойдаланиш, ҳосилдорлиги юқори бўлган уруғ навларини экиб, юқори ҳосил олиш кераклиги эса олимлар хулосаси асосида бўлиши лозим. Жараёнда озуқа экинларини етиштириш ва арзон нархларда етказиб бериш, чорвачилик субъектларига ажратилган озуқа майдонларининг чорва салмоғига нисбати амалдаги меъёрларга мутаносиблиги қатъий назоратга олиниши керак. Демак, бу иш ҳам олимлар ва тадқиқотчиларга тааллуқли.

Йиғилишда чорва маҳсулдорлигини ошириш, наслчиликни яхшилаш, умуман, соҳага илм ва илғор тажрибаларни жорий этишда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг роли кучайтирилиши таъкидланди. Энди институт мақоми оширилиб, унга ветеринария, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тажриба институтлари бириктирилади.

Марказий Осиёда ҳозирча ягона бўлган Самарқанд ветеринария медицинаси институти бундан уч йил муқаддам Президентимизнинг тегишли қарори асосида собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти негизида ташкил этилган. Мамлакатимизда ушбу соҳа бўйича алоҳида олий таълим муассасаси ташкил этилиши тарихий-тадрижий зарурат ва меҳнат бозорининг юқори талаби ҳамда эҳтиёжи учун мос бўлди, десак муболаға эмас.

Ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун замонавий билимларга эга олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, инновацион ғоялар ва технологияларни мазкур таълим даргоҳининг барча соҳасига татбиқ этиш мақсад қилинди. Бугун бу борада салмоқли ишлар бажарилмоқда. Айни кунда Президентимиз топшириғига биноан, институт мақомини ошириш бўйича Самарқанд ветеринария медицинаси институтида махсус ишчи гуруҳ моддий-техник база ва шарт-шароитларни ўрганмоқда. Институт келгусида университет мақомини олиши кутилмоқда. Унинг ҳузурида университет таълим кластери ташкил этилади. Демак, тўлиқ механизм шакллантирилиб, ўқув жараёни амалиёт билан уйғун олиб борилади. Институт ва унинг филиаллари пахта, ғалла ва чорвачилик кластерларига бириктирилади. Уларга амалий ва методологик кўмак бериб, пулли хизмат кўрсата бошлайди. Аҳоли хонадонларида қорамол, қўй, эчки, парранда ва бошқа чорвани кўпайтириш, озуқа экинлари экиш, чорва касалликларининг олдини олиш бўйича маҳаллабай ишлашни йўлга қўйиб, аҳоли ва фермерларни қисқа муддатли курсларда ўқитишни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари бу таълим муассасасини ташкил этишга қарор қилганида, масаланинг нақадар долзарблигини, соҳа ривожи бевосита мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшишини олдиндан билган ва ҳис этган бўлса, ажаб эмас. Чунки озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси бугун Ер юзи аҳолиси учун глобал муаммога айланган. Ҳар бир мамлакат ўз аҳолисига сифатли ва табиий озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришга ҳамиша масъул. Юртимизда ҳар бир фасл ўз ўрнига эга. Диёримиз серқуёш, заминимиз серҳосил, сувимиз бор. Демак, мамлакатимизда бу соҳа ривожи учун ҳамма табиий имконият етарли. Энди биз бу имкониятлардан тўғри, оқилона фойдаланишда илм-фан ютуқларини амалиётга жорий қилиб, соҳа ривожини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишга ҳисса қўшамиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Мактабда инглиз тилидан дарс берадиган дугонам билан унинг иш столи олдида суҳбатлаша туриб, беихтиёр компьютер экранидаги ёзувларга кўзим тушди:**

**“Қатнаб ишлашнинг азобини фақат бошқа жойга қатнаб ишлаган инсонгина тушунади. Осон эмас, куннинг кўп қисми йўлда ҳам кетиб қолади, оила ишларига улгуриш қийин”...**

**“Қойил. Менда ҳам шундай имконият бўлганда фойдаланардим”...**

**“Кимлардир айтаётган яхшигина маошга осонликча эришилмайди-да... Мусофирликда ишлашни танлаш ҳам бир фидойилик, аслида”.**

**Савол беришимни билгандек, унинг ўзи гап бошлаб қолди: “Бошқа ҳудудларга бориб ишлаётган ўқитувчилар ҳақида ёзилган изоҳларни ўқиётгандим. Мусофирликда ишлаш ҳаммага ҳам эмас, шекилли. Оиласидан, қадрдон жамоасидан йироқда, бошқа жамоага сингишиб кетишнинг ўзи бўладими? Олаётган пуллари ҳалол буларнинг, қани менда ҳам бошқа вилоятга бориб ишлашга шароит бўлганида эди...”.**

**Ўз жамоасида яхшигина обрў топган ўқитувчи дугонамга шу гапларини ҳам албатта ўша изоҳлар қаторига қўшиб қўйишини айтдим.**





# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТЕНГЛАШТИРИШ

## олис ҳудудлардаги мактабларнинг малакали ва фидойи устозлар билан таъминланишига боғлиқ

**Давлатимиз раҳбарининг “Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудлардаги мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб дарс берадиган ўқитувчига 50 фоиз, бошқа вилоятга борса, 100 фоиз устама ҳақ тўланади ”, деган гаплари бунинг ёрқин тасдиғи.**

### Таълим сифати тенглашса, ютуқлар тенглашади

Ижтимоий тармоқ орқали таниганим — анчадан буён Японияда дарс бераётган ҳамюртимиз Соҳибжон Абдуллаев Ўзбекистонда ҳам чет давлатларнинг яхши тажрибалари қўлланилса, таълим сифатининг бирмунча кўтарилишини айтганди. Хусусан, Японияда педагогларнинг иш жойи камида икки йилда ўзгариб туради. Шаҳар ва туман таълим бошқармалари маҳаллий педагогларни ҳам, чет мамлакатдан келиб ишлайдиган ўқитувчиларнинг ҳам иш жойини узоғи ҳар уч, тўрт йилда бир марта алмаштириб боради, назорат қилади. Бу билан қайсидир мактабда кучли педагоглар, бошқасида эса савияси бироз пастроқ ўқитувчилар тўпланиб қолишининг олдини олишга эришилади.

Бугун мамлакатимиз умумтаълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинаётган қарорлар, йўлга қўйилаётган янги лойиҳалар, умуман, мактабларимизда таълим сифатини тенглаштириш борасидаги ҳаракатлар Соҳибжон каби кўплаб таълим соҳаси жонкуярларининг орзу-умидлари рўёбига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг **“Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудлардаги мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб дарс берадиган ўқитувчига 50 фоиз, бошқа вилоятга борса, 100 фоиз устама ҳақ тўланади”,** деган гаплари бунинг ёрқин тасдиғи.

2021 йилнинг 11 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор энг чекка ҳудудларда ҳам ўқувчиларга замонавий билим эгаллашда муносиб шароит яратишга асос бўлаётгани билан аҳамиятли. Шунингдек, кўплаб салоҳиятли педагогларнинг четга кетиб қолмаслигига 50, 100 фоизли устама ҳақ тўланиши эвазига эришилмоқда. Қолаверса, бундай имтиёзу имкониятлар педагогларнинг тоифасини кўтариш мақсадида ўз устида мунтазам ишлашида ҳам муҳим омил бўляпти. Зеро, олис ҳудудлардаги мактабларда ҳам, таълим сифати паст мактабларда ҳам фақатгина биринчи ва олий тоифали педагогларгина дарс бера олади.

Шу ўринда бир нарсага ойдинлик киритиб кетсак. Ўқитувчилар бошқа ҳудудларга бориб ишлайдиган мактаблар икки турли бўлади. Олис ҳудудларда жойлашган, кадрлар етишмайдиган мактаблар ва марказда бўлса-да, таълим сифати паст мактаблар. Олис ҳудуддаги мактабда ишлаётган ўқитувчилар юқоридаги қарорга кўра, бир марталик бошланғич ёрдам пули ва БҲМнинг икки баробари миқдорида ҳар ойлик компенсациялар олиб келмоқда.

Шу ўринда, олис ва чекка ҳудудлар қайси ҳужжат билан белгилаб қўйилган, деган савол туғилиши ҳам табиий. Юқоридаги қарорда олис ва чекка ҳудуд деганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларга махсус устама белгиланадиган ҳудудлар тушунилади. Мамлакатимиздаги 242 та қишлоқ, маҳалла ва овул шу ҳудудлар сирасига кириши қарор иловасида кўрсатилган.

Айни мактабларда ишлашга бораётган ўқитувчилар бевосита Халқ таълими вазирлигининг “Янги Ўзбекистон устозлари” лойиҳасида иштирок этишмоқда. Айтиш жоизки, юртимизда таълим сифати паст 1409 та мактаб мавжуд. Булар қизил ранг тоифасидаги мактаблар бўлиб, ўқувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 10 фоиз ва ундан ҳам кам. Сариқ рангдаги мактабларда — 30 фоиз, яшил ранг тоифасидаги мактабларда эса ОТМга кириш кўрсаткичи 50 ва ундан юқори фоизларда бўлади. Қизил ранг тоифасидаги мактабларга бошқа тумандан келиб ишлаган ўқитувчи 50 фоиз, бошқа вилоятдан келиб ишласа, 100 фоиз устама олади. Ҳам олис ҳудудда, ҳам қизил рангдаги мактаблар тоифасидаги мактабга келган ўқитувчи ҳар иккала турдаги мактабга тегишли устамани олаверади. Хорижий тилни билиш даражасини билдирувчи халқаро сертификати бўлган ўқитувчилар (IELTS, CEFR) қўшимча устамаларга ҳам эга бўлади. Устама тўлашда ўқитувчининг иш тажрибаси ҳам ҳисобга олингани ҳолда, бошқа ҳудуддан келиб дарс бераётган ходимларга мактабда ишлаган даври 6 ойдан 3 йилгача бўлса — **10 фоиз,** 3 йилдан 5 йилгача — **20 фоиз,** 5 йилдан 10 йилгача — **30 фоиз,** 10 йилдан 15 йилгача — **40 фоиз,** 15 йилдан ортиқ — **50 фоиз** миқдорларда **устама** белгиланган.

### Ўқитувчилар нима дейди?

Бугун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган педагоглар ҳам оиласи бюджетига, ҳам ёш авлод келажагига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мақолани ёзишга шундай устозлардан айримларининг таҳририятимизга юборган миннатдорлик хатлари туртки бўлди, аслида.

Хусусан, ўтган йилга қадар Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги 22-мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келган, эндиликда эса, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани “Мунчоқ” МФЙдаги 43-мактабда фаолият олиб бораётган Ёқутхон Хўжамбердиева *“Давлатимиз раҳбарининг келажак авлод бахтли ва саодатли бўлиши учун бир нечта фармон ва қонунларни имзолагани ва улар амалга татбиқ этилаётгани устозлар шижоатини, ўқувчиларнинг илмий салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонимиздаги олис ҳудудларда таълим сифатини оширишга бўлаётган эътибордан, айниқса, ота-оналар, ўқувчиларнинг ўзлари ҳам миннатдор. Ўз ўрнида биз каби ўқитувчилар белгиланган ёрдам пули ва ойлик компенсацияларни олаётганимиз учун, аввало, Президентимизга ташаккур айтаман”,* деб ёзади.

Халқ таълими вазирлиги мутасаддиларининг билдиришича, қайси вилоят ёки туман ҳокими халқ таълими мутасаддиларини тушуниб, уларга кўмак бераётган бўлса, ўша туманда ижобий ўзгаришлар бўлаётгани кузатиляпти. Энг зўр туман, шаҳардаги иккитадан инглиз тили ва бошқа чет тили ўқитувчисини маҳаллий бюджет ҳисобидан хорижга стажировкага жўнатиш мумкин. Эндиликда хориждан малакали устозларни жалб этиш тизими ҳам йўлга қўйилади. Бу ишлар нима учун амалга оширилмоқда? Таҳлил қиладиган бўлсак, дунёда аҳолиси чет тилини яхши биладиган давлатлар иқтисодиёт, инвестиция масалаларида етакчи эканини кўриш мумкин.

Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 21-мактабда инглиз тили фанидан дарс бераётган Мақсудбек Абдужабборов ҳам фидойи устозлардан. Ўз мактубида у айни пайтда 10 миллион сўмдан зиёд маош олиб, ҳам оиласи бюджетига фойда келтираётгани, ҳам инглиз тили ўқитувчиси сифатида ўқувчиларнинг меҳрини қозонганини тўлқинланиб ёзган. Ёш ўқитувчининг айтишича, мактаб жамоаси уни жуда илиқ қарши олган. Мактабга яқин жойдаги, яхши шароитли бир хонадонда яшаб турибди. Ўқувчилар ҳам “меҳмон” устознинг ҳурматини жойига қўйяпти. Энг муҳими, жамоада соф, дўстона рақобат муҳити ҳукмрон.

### Устама — самарали меҳнат рағбати

Республикамизнинг барча ҳудудида бундай ўқитувчилар ўз билими, салоҳиятини эртамиз эгаларига улашиб келяпти. Халқ таълими вазирлигининг Таълим сифати жараёнларини мувофиқлаштириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва салоҳиятини ошириш бошқармаси бошлиғи Лазиз Хўжақуловдан бу борадаги аниқ маълумотларни олдик.

Айни пайтда таълим даражаси юқори бўлмаган 1409 та мактабда бошқа ҳудуддан бориб ишлаётган юқори малакали педагоглар сони 358 нафарни ташкил этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 октябрдаги “Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга малакали ўқитувчи-педагогларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 646-сонли қарорига мувофиқ, таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга бошқа ҳудудлардан жалб қилинган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинди. 2021 йил 1 мартдан бошлаб бир маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида бошқа туман ва шаҳардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкасига 50 фоиз, бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкасига 100 фоиз махсус устамалар тўланмоқда.

Масалан, Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 54-умумтаълим мактабига Бухоро вилоятидан келган инглиз тили ўқитувчиси Фаррух Муродов, Каттақўрғон тумани Тоғчиноқ қишлоғининг 81-умумтаълим мактабида фаолият юритаётган Навоий вилояти Хатирчи туманидан келган олий тоифали математика ўқитувчиси Ғайрат Сафаров, Андижон вилоятининг Улуғнор туманилик она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ойшахон Эрматова, бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераётган фарғоналик Гулноза Мамадалиева каби муаллимларнинг ҳар бири бугун 9-11 миллион сўм атрофида маош олиб, мактабларда таълим сифатини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Айтиш жоизки, бундай ўқитувчиларга мактабда фан бўйича таълим сифати ошганидан сўнг, мактаб юқоридаги рўйхатдан чиққанидан кейинги йилда ҳам устама ҳақи тўланишда давом этади. Хусусан, Президентимиз шу йилнинг 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ экани, шу боис, охирги тўрт йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинганини таъкидлаб, “умуман, ўқитиш методикаси, дарсликлари, партадан тортиб, биносигача тўлиқ қайта кўриб чиқамиз. Таълимга, муаллимга шароит яратмасак, жамият ўзгармайди”, — деди.

### Педагогларга осон бўлиши учун...

Бундай имтиёзлар, албатта, кўплаб педагогларда қизиқиш уйғотаётгани табиий. Шу ўринда бошқа ҳудудда ишлаш истагидаги педагоглар ўзи танлаган ҳудудга муаммоларсиз кетаверадими, деган савол туғилади. Тўғри, ўқитувчи истаган ҳудуддаги таълим сифати паст мактабларга мустақил бориши мумкин, бу борада ҳеч қандай чекловга йўл қўйилмайди. Бироқ ойлик компенсациялар, устама ҳақларини тўлаш билан боғлиқ муаммоларни ўқитувчи асосан ҳокимлик билан ҳал қилади. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган платформа эса устозларга енгиллик яратишни кўзда тутган. Вазирликнинг www.ustozfondi.uz электрон платформаси орқали талабгор онлайн рўйхатдан ўтади ва ариза шаклини тўлдиради. Аризалар ҳар йили 1 июнга қадар қабул қилинади. Экспертлар томонидан аризалар қабули тугаши кутилмай, параллел тарзда талабгорнинг ҳужжатлари тўлиқми, унда келтирилган маълумотлар аниқми, каби масалада электрон ариза ўрганиб чиқилади. Саралаб олинган ариза эгалари “ZOOM” дастури орқали суҳбатга таклиф қилинади. Суҳбат давомида талабгорнинг методик фаолияти, психологик ҳолати ўрганилади.




**“Айни пайтда таълим даражаси юқори бўлмаган 1409 та мактабда бошқа ҳудуддан бориб ишлаётган юқори малакали педагоглар сони 358 нафарни ташкил этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 октябрдаги “Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга малакали ўқитувчи-педагогларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 646-сонли қарорига мувофиқ, таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга бошқа ҳудудлардан жалб қилинган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинди.**

Бундан ташқари, ўқитувчининг ўзи танлаган мактабнинг таълим сифатини оширишга доир тахминий режаси сўралади. Саволларга жавоблар 100 баллик тизимда ўртача 70 балл билан баҳоланади. Шунингдек, ариза топширган пайтда ўқитувчига 2 та ёзма топшириқ берилади — ижодий, эссе шаклида. Эсселар 15 баллдан 30 баллик тизимда баҳоланади. Барча босқичлардан муваффақиятли ўтган ўқитувчи ўзи танлаган мактабга боради. Фарқли жиҳати шундаки, ўқитувчи ҳамиша вазирлик назоратида бўлади, қандайдир муаммога дуч келганида уни мутасаддилар билан ҳал қила олади.

Қолаверса, вазирликда бу ўқитувчини турли давлат мукофотларига тавсия этиш учун тайёр маълумотлар базаси шаклланади. Бундай ўқитувчилар “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловида қатнашса, қўшимча имкониятлари ҳам бўлади. Шу маънода, платформага ўқитувчиларни жалб этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда “Янги Ўзбекистон устозлари” лойиҳаси бўйича танлаб олинган устозлар таълим даражаси юқори бўлмаган умумтаълим мактабларида дарс бериб келмоқда. Юқорида айтилганидек, бундай лойиҳалар мактабларда педагоглар савияси, таълим сифатини маълум маънода тенглаштиришга хизмат қилади.

### Хулоса ўрнида

Ўзидаги билимни ўзгаларга ҳам раво кўриш, улашиш, дарҳақиқат, хайрли, эзгу иш. Газетамизда ўтган йили чоп этилган бир мақолада чекка қишлоқлик кимё ўқитувчиси ўқитаётган кўплаб ёшлар тиббиёт институтига юқори балл билан ўқишга кираётгани, самарадорликдан воқиф бўлган қўшни қишлоқлардагилар ҳам ўқитувчининг ҳузурига фарзандларини етаклаб келаётгани айтилганди. Бугун эса Президентимиз ташаббуси билан ана шундай фидойи ўқитувчиларни рағбатлантириш, илм зиёсини барчага баробар улашишдек янада эзгу ишларга гувоҳ бўляпмиз. Насиб қилса, яқин йилларда ота-оналар салоҳиятли ўқитувчиларни излаб, бошқа ҳудудларга бормайди. Яхши устозларнинг ўзлари юртимиз бўйлаб тенгликни таъминлашга бел боғлайди, фидойиликка чоғланади.

Мақолани давлатимиз раҳбарининг истиқболли таълим раҳнамоси сифатида ғоят куюнчаклик билан айтган қуйидаги гаплари билан якунлашни жоиз топдик: *“Ҳозирги пайтда умумтаълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланиш даражаси 87 фоизни ташкил этади. Кўплаб мактаблар, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларида бир қатор фанлар бўйича малакали ўқитувчилар етишмаяпти. Шу муносабат билан педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамиша эътиборимиз марказида туриши зарур.*

*Мана, Темурийлар даврини эслайлик, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Навоийлар замонини ёдга олайлик. Агар давлат томонидан эътибор ва ҳомийлик бўлмаса, ижодий муҳит яратиб берилмаса, улуғ алломаларимизнинг салоҳияти бу даражада ёрқин намоён бўлмас эди.*

*Бугун давлатимиз томонидан илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса — яратамиз”.*

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини яратишдек ғоят улуғ ва олижаноб мақсаднинг самараси олис ва чекка ҳудудларда ҳам бирдек намоён бўлишида айни мана шундай эзгу ташаббуслар муҳим ўрин тутишига шубҳа йўқ.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

БОҚИЙ МЕРОС

# ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР ТАДҚИҚОТИДА

## Янги давр бошланди

### ёхуд кўҳна маърифат ўчоғидаги ёруғ саҳифалар



**Муқаддас заминимиз азалдан илм-маърифат ўчоғи бўлиб келган. Алломаларимиз қолдирган улкан илмий мероснинг маълум бир қисми, гарчи турли босқинлар даврида нобуд қилинган, олиб кетилган бўлса-да, ҳозирги кунгача етиб келганларининг саноғи ҳам кишини ҳайратга солади. Чорак асрки, мазкур ноёб хазинани асраш ва ўрганиш иштиёқида изланишлар олиб бораётган олим, филология фанлари доктори Афтондил ЭРКИНОВни суҳбатга чорлар эканмиз, тадқиқотчининг мана бу сўзларини муқаддима сифатида танладик:**

**“Ўзбек мумтоз адабиётига, Алишер Навоий асарларига бўлган меҳрим туфайли ўзимни қизиқтирган саволларга жавобларни юртимизда, Германия, Франция, Буюк Британия, Туркия, Россия каби давлатлар фондларидаги қўлёзмаларни ўргандим ва шундай хулосага келдимки, аждодларимиз бизга қолдирган илмий-маънавий мероснинг кичик бир қисми ўрганилган. Ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида мавжуд бўлган қўлёзмалар ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам етарли даражада эмас”.**



**— Афтондил ака, яқинда Президентимизнинг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўқиб, сиз каби олимлар ва тадқиқотчилар ўзларини ўйлантириб юрган муаммолар ечимига ҳам навбат етиб келганлигидан хурсанд бўлдилар. Шундай эмасми?**

— Чорак асрдан кўпроқ вақт давомида мумтоз адабиётимизни, Алишер Навоий асарларини тадқиқ этиш билан шуғулланиб келяпман. Афсуски, аждодларимизнинг бизга қолдирган илмий-маънавий меросига беписандлик билан муносабатда бўлган не-не мансабдор шахсларни, даврларни ҳам кўрдим. Бир неча йиллар аввал устозларимиздан бири масъул шахсларга мурожаат қилиб, юртимизда мавжуд бўлган барча қўлёзмалар миқдорини аниқлайлик, уларга доир маълумотларни бир марказга жамлайлик, деганида унинг фикрларига эътибор қаратилмаганди. Ҳозирги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда Ўзбекистон билан боғлиқ қандай қўлёзмалар борлигини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани кўнглимизда ўзгача хотиржамлик ва қувонч уйғотмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг ташкил этилиши ўзбек заминида таваллуд топиб, илмий фаолият олиб борган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ноёб меросини илмий тадқиқ этиш ва унинг натижаларидан амалий фойдаланишда янги босқични бошлаб берди. Бундай халқаро маънавий-маърифий масканлар ва илмий-тадқиқот марказларининг очилиши чиндан ҳам тарихий воқеадир.

Мазкур марказлар Учинчи Ренессанс пойдевори вазифасини бажарувчи илм-маърифат масканлари бўлиши, шубҳасиз. Аввало, шуни айтиб ўтмоқчиманки, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш ғояси халқимизнинг узоқ йиллик орзуси, қолаверса, дунё мусулмонларига билдирилган юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлди. Аслини олганда юртимиздан чиққан олиму фузалолар нафақат Ислом цивилизациясига, балки жаҳон тамаддунига ҳам ўзларининг илм-маърифати билан жуда катта ҳисса қўшган. Мутафаккир аждодларимиз томонидан битиб кетилган кўплаб асарлар бугунги кунда жаҳоннинг турли нуқталарида жойлашган музейларда сақланмоқда. Бухорий ва Термизий туфайли бутун дунё, жумладан, ўзбек халқи ҳам ҳадислардан баҳраманд бўлиб келмоқда. Юртимизга ташриф буюраётган мусулмон давлатлари элчилари билан кўришганимизда, уларнинг биринчи тилаклари ҳам Имом Бухорий ҳақида тинглаш, билиш ва зиёратларини қилиш бўлади.

**— 2020 йили Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази томонидан “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри”нинг 1-жилди нашр этилгани келгусида ноёб меросимизни ўрганувчи ёш тадқиқотчиларга жуда катта имкониятлар эшигини очиб берди, десак адашмаган бўламиз, шундай эмасми?**

— Ғоят ўринли гап бўлди. Сиз қайд этган Марказ ҳозирда Туризм ва маданий мерос вазирлиги таркибида фаолият юритяпти. Бу ерда 2019-2022 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонга оид хорижда сақланаётган маданий бойликлар реестрини яратиш, нодир қўлёзма асарларнинг факсимилесини нашр этиш” мавзусида Инновация вазирлиги томонидан берилган лойиҳа мавжуд. 2020 йили лойиҳа доирасида “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри”нинг 1-жилди нашр этилганди. Лойиҳа бўйича эндиликда ушбу реестрнинг



2- ва 3-жилдлари ҳам нашрга тайёрлаб қўйилган ва улар шу йили чоп этилади, деган умиддамиз. Айни реестр ўзбек, инглиз ва рус тилларида тузилган бўлиб, Ўзбекистон ва хориждаги олимлар, ёш мутахассисларга юртимиз тарихини ўрганишда катта ёрдам беради. Реестр устида ишлаш муносабати билан хориж фондларидаги ҳозиргача илмий жамоатчилигимизга маълум бўлмаган ўнлаб қўлёзма асарлар топилди ва янги хулосаларга келинди. Масалан, Ибн Сино асарлари қўлёзмалари Туркиядаги фондларда мингдан ортиқ нусхада мавжудлигини билиб олдик. Ёки бўлмаса, Имом Бухорийнинг юзлаб қўлёзмалари араб тилли мамлакатлар кутубхоналарида сақланиши аниқланди. Мазкур жараёнда алломаларимиз мероси дунё бўйлаб жуда кенг тарқалганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

**— Яқинда Туркиянинг Анқара шаҳрида сизнинг Навоий ижодига оид ўзбек тилидаги мақолаларингиз тўплами чоп этилди. Ушбу тўпламни нашр этиш жараёнида туркиялик навоийшунослар ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг изланишларини қандай баҳолади?**

— Хорижда олиб борган илмий изланишларим давомида шунга гувоҳ бўлдимки, XX асрда Навоий ижоди кўпроқ Россияда ўрганилган. Ўзбекистон мустақиллигидан кейин дунё қўлёзма фондлари ва кутубхоналари билан танишиш имконияти анча кенгайди. Чунончи, хорижий навоийшунослик билан боғлиқ тадқиқотлар ичида Туркия Навоий ижодига бағишланган тадқиқотлари билан етакчилик қилишига гувоҳ бўлдим. Шу боис, Навоий ижоди ва асарлари қўлёзмаларига оид ёзган мақолаларимни тўплаб, Туркияда нашр эттирдим. Уларнинг фикрлари умуман олганда ижобий. Аниқроғи, туркларнинг Алишер Навоий ижодига қизиқиши жуда катта. Улар Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўзбек тадқиқотчиларининг китобларини нашр этиш истагида эканини билдирганида қувондим. Анқарадаги “Акчағ яйинлари” нашриёти Навоий ижодига бағишланган “Навоийни англаш сари” номли китобимни 500 ададда ўз ҳисобидан нашр қилиб, дунё кутубхоналарига тарқатди. Туркияда илмий фаолият олиб бораётган ватандошимиз, навоийшунос олим, доктор Саидбек Болтабоев китобимни чоп этишда катта ёрдам берди.

**— 2006 йилдан Англиянинг Кэмбриж шаҳрида жойлашган “Ислом даври қўлёзмалари” халқаро илмий ташкилоти (TIMA), 2015 йилдан АҚШнинг форсий тиллилар жамиятини ўрганиш илмий ассоциацияси (ASPS) ҳамда 2017 йилдан АҚШнинг Марказий Осиё тадқиқотлари илмий жамияти (CESS) аъзоси сифатида кўплаб халқаро илмий конференцияларда ўз маърузаларингиз билан иштирок этгансиз. Ўзбекистон ва унинг тарихи билан боғлиқ манбалар кўпроқ яна қайси давлатларда ўрганилмоқда?**

— Ўзбекистон ва унинг тарихи билан боғлиқ манбалар дунёнинг кўпгина мамлакатларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Германия, АҚШ, Франция, Япония бирламчи, яъни қўлёзма китоблар ва уларнинг нашрларини ўрганиш жиҳатидан етакчилик қилади. Ушбу давлатларда қўлёзма манбаларни ўрганишга эҳтиёж катта. Айниқса, Германия ва Япония тадқиқотчилари ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланувчи қўлёзмалар фиҳристини тузиш ишларида етакчилик қилмоқда.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Европа давлатларида бизнинг адабиётимиз, тарихимиз билан боғлиқ анчагина қўлёзмалар сақланмоқда. Масалан, мен Саъдий Шерозий қаламига мансуб “Гулистон” асарининг фанга номаълум бўлган янги нусхаси Берлин Давлат кутубхонасида сақланаётганини аниқладим. Ҳозирда унинг матни эски ўзбек ёзувидаги аслиятини кўрсатувчи факсимиле — фотонусхаси ва жорий ёзувимизга ўгирилган кўринишида нашр қилиниш арафасида. Демак, хорижда ҳали биз ўрганмаган кўплаб қўлёзмаларимиз мавжуд.

**— Манбашунос олимларнинг таъкидлашича, шу кунгача юртимизда қўлёзма асарларни реставрация қилиш билан шуғулланадиган махсус мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим тизими йўлга қўйилмаган экан...**

— Шу боис, биз сўз юритаётган қарорда айни муаммога ечим бўладиган вазифалар белгиланган. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида “Қадимий ёзма манбалар консервацияси ва реставрацияси” таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Мен чет давлатларга борганимда шу нарсага гувоҳ бўлдимки, қўлёзмаларни реставрация қилиш ишлари қўлёзма фондларининг алоҳида бир катта вазифаси ҳисобланар экан. Умуман олганда, қўлёзмаларни реставрация қилиш, уларни консервация қилиш, яъни бор ҳолича сақлаб қолиш масаласи ҳамиша долзарб ҳисобланган. Устозимиз, профессор Қосимжон Содиқов бир вақтлар “Агар биз қўлёзмаларни ўрганмаган тақдирда ҳам уларни борича сақлаб, кейинги авлодларга етказиб бера олсак, катта бир муҳим вазифани бажарган бўламиз”, деган эди. Бу жуда тўғри фикр. Чунки минг йиллар давомида асраб келинган ноёб меросимизни буёғига ҳам авайласак ва қадрига етсак, келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Қўлёзма манбани сақлашнинг ўзига хос талаблари ва халқаро меъёрлари бор. Ушбу манбанинг барча қисмлари табиий ашёдан бўлгани боис, уни махсус ҳарорат, ёруғлик ва қуёш нуридан келадиган ультрабинафша нурларидан ҳимоялаш зарур. Бу манбаларнинг биздан кейин яна минг йиллар сақланиб туришини таъминлайди.

Юртимиздаги фондларнинг реставрацион лабораториясида асосан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчилари фаолият юритади. Лекин у ерда ҳам қўлёзма асарларни реставрация қилувчи махсус йўналиш йўқ. Шу маънода, бу йўналишда миллий кадрлар етиштириш муаммо бўлиб келаётган эди. Яқинда ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондининг реставрация бўлими ходимлари билан суҳбатлашдим. Улар ҳозирча бу борада устоз-шогирд тизими асосида бакалавр ва магистрларни фондга жалб этиб, мутахассис тайёрлаб келаётган экан.

Тарихий ҳужжатларни реставрация қилишда, аввало, консервация амалиёти, яъни қоғозни мустаҳкамлаш амалиёти бажарилади. Кейин қисмларни бутлаш учун махсус япон қоғозидан фойдаланилади. Бу ходимдан катта масъулият талаб этади. Шунинг учун ҳам тажрибага эга, малакали, синовлардан ўтган ходимларга асл нусхадаги манбалар берилади.

Одатда сканер бўлимида 20 та мутахассис ишлаши керак. Мазкур фондда эса 3 киши ишлаяпти. Кўриниб турибдики, реставрация жараёнида кадрлар масаласи биринчи ўринда. Оддий мутахассис бу жараёнда ишлаб кета олмайди. Қайсидир даражада қўлёзма манбани билиши талаб қилинади.



**— Қарорда икки ой муддатда жисмоний ва юридик шахслардан қадимий ёзма манбаларни харид қилиш, уларни давлат тасарруфига топшириш механизмини ишлаб чиқиш борасидаги муҳим вазифалар белгиланган. Негадир кейинги пайтларда ноёб қўлёзмаларни ўз юртимизда истиқомат қилаётган жисмоний шахслардан излаб топиш ва уларни ўрганиш борасида жон куйдираётган тадқиқотчилар ҳақида эшитмай қўйдик...**

— Шундай даврлар бўлдики, қўлёзма манбаларни уйида сақлаган шахсларга нисбатан жуда ёмон муносабатда бўлинди. Қўлёзма ва ундаги ҳар бир асарда фақатгина диний асар тарғиботини кўргандек бўлишди ва шу муносабат билан уйида ноёб меросимизни кутубхона шаклида асраётган одамлар ёмонотлиққа чиқарилди. Ҳар қанча таъқибларга қарамай, тарихимиздан далолат бергувчи ёруғ саҳифалар фидойи юртдошларимиз томонидан асраб қолинди. Ҳалигача аҳоли ўртасида сақланаётган қўлёзма манбаларни йиғиб олиш, харид қилиш уларни давлат ҳисобига ўтказиш керакли жараён. Агар ушбу манба уй шароитида сақланса, вақт ўтгани сайин сифатини йўқотиб бораверади. Шу боис, аҳолидан қўлёзмаларни сотиб олиш ва уларни давлат тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ ишларни кучайтириш ўринли.

Аслида юртдошларимиз қўлида муайян миқдорда ноёб қўлёзмалар, босма нашрлар сақланади. Ҳатто тарихий ҳужжатлар, хонларнинг



ёрлиқларини ҳам топширишяпти. Агар айни мавзуда роликлар тайёрланиб, тез-тез телеканалларда ва ижтимоий тармоқларда тарқатилса, юртдошларимиз бу жараёнга эътиборсиз бўлмас эди. Айнан ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди аҳолидан имкон қадар юқори қийматларда сотиб олишга ҳаракат қилади. Қўлёзма учун энг кам иш ҳақининг 15 баробари бошланғич нарх сифатида берилади. Қўлёзманинг кўчирилган даври, безаги, илмий аҳамиятига қараб унинг нархи ошиб бораверади.

**— Қарорда Интернет жаҳон ахборот тармоғида юртимиз алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ҳамда маънавий мероси ҳақидаги илмий-маърифий портал ва унинг мобиль иловаси ишга туширилиши борасида ҳам сўз юритилган. Мазкур порталнинг ташкил этиш жараёнида қандай таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлашингиз мумкин? Бу борада қайси хорижий давлат тажрибасидан фойдаланиш ўринли деб биласиз?**

— Илмий-маърифий портал яратилишини биз, тадқиқотчилар орзу қилар эдик. Ахир интернет асрида яшаяпмиз. Менимча, бу портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида яратилса керак. Хорижда илм-фан, адабиёт ва санъатни тарғиб қиладиган кўплаб илмий-маърифий порталлар, институтлар бор. Масалан, Тошкентдаги Гёте институтининг асосий мақсади немис тилини ўргатиш, халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Германшунослар, талабалар, умуман, барча қизиқувчилар институт ўқув залида немис тилидаги китобларни мутолаа қилиши, Германия даврий ва вақтли матбуот нашрлари билан танишиши мумкин. Кимда немис тилини ўрганишга иштиёқ пайдо бўлса, бу ердаги курсларда таҳсил олиш имконияти бор. Франциянинг Гюго номидаги маданият маркази эса француз тилини ва француз маданиятини тарғиб қилиш билан шуғулланади. Биз ҳам келгусида ана шундай вазифаларни бажарувчи марказларни, илмий-маърифий порталларни ишга туширишимиз зарур. Ахир ҳозирги кунда энг яхши тарғибот усули интернет тармоғи бўлиб қолмоқда. Илмий-маърифий порталга юртимиз тарихи, аждодларимиз илмий ва ижодий фаолияти билан боғлиқ расмлар, қўлёзмалар ҳақидаги видеолавҳалар, тарихий ҳужжатларни жойлаштириб борсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мобиль илова яратилиши ҳам жуда ўринли. Масалан, уяли телефондан фойдаланаётган ёш болалар маданий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни йўл-йўлакай кўриб ўтса ҳам, ҳеч бўлмаса, номини эслаб қолади. Агар у ерда расмлар ва миниатюралар бўлса, фарзандларимизнинг ушбу саҳифаларга бўлган қизиқиши янада ошиши мумкин.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 454
85881 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 21:30 Топширилди — 23:20